

**“Навоий-кон металлургия комбинати” акциядорлик жамияти  
ягона акциядорининг 1-сон  
ҚАРОРИ**

2021 йил 21 апрель

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сон Фармониغا ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартдаги 170-сон “Навоийуран” давлат корхонаси, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ва “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосан:

1. “Навоий-кон металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ташкил этилсин.

2. “Навоий-кон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг бошлангич устав капитали 15 000 000 000 000 (ўн беш триллион) сум миқдорда тасдиқлансин ва номинал киймаги 1 000 сумдан бўлган 15 000 000 000 (ўн беш миллиард) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар 100 фоиз давлат улуши сифатида жойлаштирилиши белгилаб қўйилсин.

“Навоий-кон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятига ўтказиладиган мол-мулк ва мулкӣ ҳуқуқларни баҳолаш ишлари якуни билан устав капитал миқдори кўпайтирилиши мумкин.

3. “Навоий-кон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Устави 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. “Навоий-кон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг ижро аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. “Навоий-кон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси этиб Санакулов Кувондик Санакулович тайинлансин.

6. “Навоий-кон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси К.С.Санакуловга жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ барча ишларни амалга ошириш, шу жумладан жамиятнинг Уставини ва акциялар чиқарилишни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишини таъминлаш топширилсин.

**Таъсисчи (акциядор) номидан  
Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазири**

**Т. Ишметов**